

**ҚАРШИ ШАҲАР
ҲОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ГОРОДА ҚАРШИ**

180100 Қарши шаҳар Ислон Қаримов кўчаси 60-уй. Тел: (375) 223-28-43

2020 йил «21» август

HQ-1722/08-сонли

Қарши шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли қарорига асосан Қарши тиббиёт коллежини
Қарши Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги**

**техникуми этиб ташкил этиш ва Уставини давлат
рўйхатидан ўтказиш тўғрисида**

Тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етуқ ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавқеини ошириш, шунингдек, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-Санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Қарши тиббиёт коллежининг 2020 йил 19 августдаги №67-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6- ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли қарорига асосан Қарши тиббиёт коллежини Қарши Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми этиб ташкил этилсин ва Устави давлат рўйхатидан ўтказилсин.
2. Қарши Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми директори зиммасига шаҳар давлат солиқ инспекцияси, шаҳар статистика бўлими, тижорат банки ва тегишли идораларга етказиш вазифалар юклатилсин.
3. Қарши шаҳар молия бўлими (Ш.Ашуров), шаҳар газначилик бўлими (Д.Пирмагов)ларга Қарши Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумининг харажатлар сметасидаги мавжуд маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишини амалга ошириш вазифаси топирилсин.

4. Қарши шаҳар ИИО ФМБ (Б.Мирзаев)га Қарши тиббиёт коллежининг муҳр ва тамгаларини қайтариб олиб йўқ қилиш ва янги ташкил этилаётган Қарши Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумининг муҳр ва тамгаларини тайёрлашга рухсат этиш топирилсин.

5. Мазкур қарор кучга кирган санадан бошлаб Қарши шаҳар ҳокимининг 2010 йил 12 мартдаги Х-145/3-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорни назорат қилишда шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Насимов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Н.Холбоев

